

Балоғат ёшига етмаган болалар намоз олдини...

15:45 / 26.04.2016 3374

Балоғат ёшига етмаган болалар намоз олдини кесиб ўтса, намоз бузиладими?

Албатта, болаларнинг балоғат ёшига етмаган даврида ҳам намоз, шунга ўзхшаган бошқа ибодатлар билан таништириб бориш керак. Уларни намоз ўқувчининг олдидан ўтиш керак эмаслигини англатиб бориш керак ўзларига. Одоб ахлоқ юзасидан бу нарсаларни кичиклигидан яхши, ширин сўзлар билан тушунтириб бориш лозим ва лобуд. Лекин мабодо "шундай ўтиб қолса нима бўлади" деган савол бўладиган бўлса, ундай ҳолатларда намоз иншааллоҳ бузилмайди. Чунки кўп ҳадисларда зикр қилинган Расулуллоҳ с.а.в. набиралари имом Хасан, имом Хусанларни, яна қизларининг фарзандларидан Умомани кўтариб олиб елкаларига қўйиб намоз ўқиганлари, сажда қилаётганларида олиб ерга қўйиб, яна демак тураётганларида кўтариб олган ҳолатлар бир неча ҳадисларда келган. Расулуллоҳ с.а.в. бу ишни қилганларидан кейин намозлари бузилмаганидан кейин албатта, умматларини намозлари ҳам олдидан ёш юолачаларни ўтиши билан бузилмайди иншааллоҳ.